

## КОМИЛ ИНСОН АХЛОКИНИНГ МУҲИМ БИР МАНБАИ

<sup>1</sup>Хайитов Шавкат Аҳмадович, БухДУ ўзбек тили ва адабиёти кафедраси профессори, филология фанлари доктори (DSc)

<sup>2</sup>Аҳмадова Маҳбуба Шавкат қизи, Бухоро инновациялар университети ўқитувчиси

## AN IMPORTANT SOURCE OF PERFECT HUMAN MORALS

<sup>1</sup>Hayitov Shavkat Akhmadovich, Professor of the Department of Uzbek Language and Literature, Bukhara State University, Doctor of Philology (DSc)

<sup>2</sup>Ahmadova Mahbuba Shavkat kizi, Teacher of Bukhara Innovation University

## ВАЖНЫЙ ИСТОЧНИК ИДЕАЛЬНОЙ ЧЕЛОВЕЧЕСКОЙ ПРАВСТВЕННОСТИ

<sup>1</sup>Хаитов Шавкат Ахмадович, профессор кафедры узбекского языка и литературы Бухарского государственного университета, доктор филологических наук

<sup>2</sup>Ахмадова Махбуба Шавкат кызы, преподаватель Бухарского инновационного университета

**Аннотация:** Алишер Навоий насрий асарларининг туб моҳиятини инсон тақдири ва комиллик ҳақиқатлари ичдан нурлантириб туради. Мақолада Алишер Навоийнинг устози ва дўсти Саййид Ҳасан Ардашернинг комил инсонга хос фазилатлари, фалсафий мушоҳадалари хусусида мулоҳаза юритилган.

**Калим сўзлар:** Алишер Навоий, Саййид Ҳасан Ардашер, мушоҳада, комил инсон, ахлоқ, тарбия, тарихий шахс.

**Abstract:** The profound essence of Alisher Navoi's prose works is illuminated from within by truths about human destiny and moral perfection. This article reflects on the virtue's characteristic of the perfect human being and the philosophical contemplations of Sayyid Hasan Ardasher, Alisher Navoi's mentor and friend.

**Keywords:** Alisher Navoi, Sayyid Hasan Ardasher, contemplation, perfect human being, ethics, education, historical figure.

**Аннотация:** Глубинную сущность прозаических произведений Алишера Навои изнутри озаряют истины о человеческой судьбе и духовном совершенстве. В статье рассматриваются качества, присущие совершенной личности, а также философские размышления Саййида Хасана Ардашера — наставника и друга Алишера Навои.

**Ключевые слова:** Алишер Навои, Саййид Хасан Ардашер, созерцание, совершенный человек, нравственность, воспитание, историческая личность.

**Кириш.** Инсон табиатан курук насихатгўйлик, ақл ўргатишни ёмон қабул қилади. Буюк мутафаккирлар ҳаётий тажрибасининг натижаси ўлароқ фавқулдда туғилган ибратомуз фикрлар, фалсафий мушоҳадалар эса инсон калбини жазб этади. Кўнгилда гўзал хис-туйғулар, янги тасаввурлар уйғотади. Фавқулдда янгилиги,

чуқур маъно-моҳияти, ўта ҳаётийлиги боис инсон ахлоқидаги ижобий хислатлар такомиллиги хизмат қилади. Комил инсоннинг қалб ёғдуси билан нурлантирилган бундай қуйма мулоҳазалар ҳеч қачон эскирмайди. Алишер Навоий “Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер”да дарвеш Саййид Ҳасан



<https://orcid.org/0000-0002-4290-6017>

e-mail: [s.a.xayitov@buxdu.uz](mailto:s.a.xayitov@buxdu.uz)



<https://orcid.org/0009-0005-9859-6977>

e-mail: [maxbuba\\_shavkato vna@bui.uz](mailto:maxbuba_shavkato vna@bui.uz)

Ардашернинг тафаккур хазинасидан худди шундай учта ҳикматли лавҳа келтирган.

Ашё билан ашё, буюм билан буюм орасидаги фарқ хусусида баҳс юритилар экан, фазл аҳлидан бир киши қиёс учун тош қозон ва лаълни танлайди. У иккаласи ҳам тош, аммо солиштириб қаралса, тош қозоннинг баҳоси паст, шоҳлар тожини безовчи лаълнинг қиймати эса ундан бир неча хисса баланд, деган мазмунда қатъий ҳукм чиқариб, ўз фикрининг тасдиғи учун қуйидаги машҳур байтни ўқийди:

Лаъл санг асту деги сангин аст,

Лек андар миён тафовут ҳост [4,100].

Саййид Ҳасан Ардашер байтнинг ғоявий-бадий мундарижасидан мутлақо бошқа маъно келтириб чиқаради: «...тош қозон ва лаъл – иккаласи тошдур ва лекин ораларида тафовут бор. Тош қозондин ғайри нафъ ҳеч нима мутасаввар эрмаским, лазиз ва мулавван атъима анда пишарким, хосу ом андин мунтафеъ бўлурлар ва лаълдин халойиққа анвои зарар мутасаввардур» [4,100].

Инсоннинг кун кечириш тарзи, кундалик ҳаёти учун тош қозон ҳар куни керак. Лаълга эса жамиятнинг оддий ҳаёт шарт-шароитида ҳеч қандай зарурат йўқ. Заҳматкаш халқ учун сарик чақа янглиғ кадру қийматсиз бу ашё бойликка ҳирс қўйган мулку жоҳ аҳли орасида низо, душманлик муносабатларини келтириб чиқаради. Неча одамни беажал ўлдириб, уларнинг қонига қўлини ювади. Тинч, осуда турмуш экинзорига хусумат тухумини сочади. Ундан хиёнат дарахти кўкариб, пасткашлик ҳосили унади. Бу қабоҳат ортида бегуноҳ халқ оғир кулфатлар тортади. Шу суҳбат кечаётган вақтда, деб ёзади Алишер Навоий, - «Султон Абусаид мирзо ҳар кишида жавоҳир бўлса олиб, бўлмаса тафаҳхусида муболағалар қилиб, элга анвои изо ва зарар етказиб эрди. Ва бу байтни ўқуғон мажлисада ҳам тош қозонда ош пишадур эрди» [4,101]. Мазкур далил Саййид Ҳасаннинг ҳаёт сабоқларидан чуқур фалсафий хулосалар чиқаришга қодир, дунёқараши кенг аллома инсон эканлигини кўрсатади.

**Адабиётлар таҳлили.** «Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер»дан ўқиймиз: «Алар дер эрдиларким, дунё жохининг мастлиғи чоғир мастлиғига ўхшамаским, чоғир мастлиғи ичган кунидур, аммо жоҳ мастлиғи агар соҳиби жоҳ йиллар жоҳ устидадурким, мастдур, анинг махмурлиғи жоҳдин маъзул бўлғонидадур. Не мускир хамрдурким, сармастлиғи одамийни йиллар ўзидин беҳабар қилғай»[4,100].

Саййид Ҳасан Ардашер ва Алишер Навоий эътиқодига кўра фаний дунёда олий хилқат – инсоннинг умри маърифат хирмонини бунёд этишга сарфланиши зарур. Муродга эришмоқ йўлида ҳар нафас, ҳар бир лаҳза ғанимат. Академик шоиримиз ўринли эътироф этганидек: «Бир дамнинг баҳосин ўлчамоқ учун олгиндан тарози, кумушдан тош оз» (Ғафур Ғулом). Шундай экан, инсон ҳаётининг ҳар они ана шу ҳикматга лойиқ кечиши даркор. Май мастлиғи кишини ақлу хушдан жудо қилади. Маст ўзлиғи қадрини билмай қолиб, бебаҳо умрини елга совуради. Аммо Саййид Ҳасаннинг фикрича, маст кишининг ғофиллиғи фақат ичган кунидир. Амал – мансаб мастлиғи эса ўша банданинг ўз вазифасидан озод қилингунига қадар давом этади. У неча йил мансаб курсида турса, шунча муддат мартаба шону шавкати, зебу зийнатиға маҳлиё бўлиб, ўзидан беҳабар қолади. Ададсиз кунларни, ойларни, йилларни масту беҳудлик билан ўтказди[1].

Мансаб туфайли эришилган ҳурмату обрўдан ўзини йўқотмаслик, ғурур ва фаҳрга берилмаслик, амалга кўнгил қўймаслик, ҳар қандай шону шавкатни ҳам совуққонлик билан қабул қилиш комил инсонларга хос фазилатдир. Алишер Навоийнинг буюк салафи Юсуф Хос Ҳожиб таъбири билан айтганда, дарвеш – оламни олса ҳам керилмайди. У жаҳон мулкига эришиб, минг орзуга етса ҳам гўё ер, она заминнинг бутун хокисорлиғи жисму-жонига кириб яширинганидай вужуд шахсини оламнинг оёқлари остида тупроққа қориб, руҳоний ҳаётда яшашда давом этади[2].

Хожа Аҳрор Валий айтар эканлар: «Менинг сизларга дунёни ман этишим, дунёни Сизлардан дариг тутиш маъносида эмас, балки Сизларни дунёдан асрамоқ маъносидадир. Чунки Одам шунчалик улуғворлиғи билан ўз вақтини арзимас нарсалар учун зоеъ қилмоғига хайфим келади»[1,76]. Одам Ато фарзандларини покланиш манзилига етказиш, уларни ўз аслига, ўз нуфузига лойиқ мукаммал ҳолда кўриш асрлар давомида Ҳақ дўстларининг қалби тубида балқиган армонли орзу бўлиб келди.

Бандаларнинг дилини Худога улаш, инсон юрагида Аллоҳ муҳаббатини оловлантиришдан кузатилган бош мақсад ҳам ана шу эзгу ният йўлида хизмат қилишдир. Зеро, ишқ одамни моҳиятни англаш сари олиб боради [3]. Алишер Навоий таъкидича, Ҳақ ишқиде ўртаниб моҳиятга етган, кўнгил кўзи ёруғ Ҳақ ошиқларининг нафаси шундай бир оловки, у тошни ҳам эритади. Темир

юракларни юмшатиб, курук кўзларни йиғлатади. Ҳақ ишқи оташида бағри куйганларнинг нафаси шундай бир елки, у кибру ҳаво хашагини супуради, ғазаб тупроғини куйдириб кул қилади.

**Тадқиқот муҳокамаси.** Маноқибли жумлалар таҳлилидан аён бўладики, Саййид Ҳасан Ардашерга ҳамида ахлоқ, юксак хулқ-атвор Аллоҳнинг инояти билан етишган. Шундай бўлсада, бу ноёб инсон табаррук мазорларга бориб, азиз дарвешлар, сўфийлар мажлисига етиб «ўз махласи учун» фотиҳа илтижо қилган. Ёши олтмишдан ўтган бир маҳалда чилла ўтириб, ўз жисмини минг бир машаққатга солиб муршид раҳбарлигида яна йиллар такмилга машғул бўлган[4]. Инсоний комилликнинг ғоят юксак мақомларини забт этган, ёши етмишдан ошган Саййид Ҳасан йигитлик куввати жисмидан кетиб, қарилик мадорсизлиги унга юзланган бир вазиятда ҳам руҳоний-маънавий камолот йўлидаги изланишларда давом этган: «Самарқандга Ҳазрати Хожа Носируддин Убайдуллоҳ шарафи суҳбатлариғаким, замон аҳлининг кўпи, хусусан Самарқанд аҳли Хожани «Қутб»га нисбат берурлар эрди, мушарраф бўлурға азимат қилдилар. Хожа била неча кун суҳбатлар тутуб, таъзим ва ташрифлар топиб, яна Ҳирот шаҳриға азимат қилдилар. Ва тарих секкиз юз тўқсон тўртда – етмиш уч ёшларида оламдин ўттилар»[4,101].

Улуғ Навоий мазкур маноқибдан ташқари Саййид Ҳасан Ардашер хотирасига бағишлаб ҳар банди саккиз байтли, етти банддан иборат марсия ёзган. «Мажолисун-нафоис», «Насойимул-муҳаббат»да, «Фавойидул-кибар» девони таркибига кирган «Соқийнома»да Саййид Ҳасан руҳи олдида таъзим бажо этган[5].

Саййид Ҳасан Ардашер вафот этган пайтда подшоҳ ҳукми билан хизмат сафарида бўлган Алишер Навоий қаттиқ хижолат тортади. Буни фалақдан ўзига етган зулм, деб қабул қилади. Марсияда «Кошки эди, бошинг узра ғамхўр бўлиб туриб, шарбатингни жоним ширасига эзиб ичирсам; оғзингга таом тутсам, мулойим сўзларим билан дардингга малҳам кўйсам; гоҳ бошинг остидаги ёстигингни тузатиб, гоҳ оёгингни ёпиб, атрофингда парвона каби айланиб фарзандлик шартини бажарсам эди», - дея қаттиқ ўқинади.

Ўзига ота мақомидаги азиз инсоннинг вафоти кунини Ҳиротда бўлмаганлиги; “навҳалар тортиб” йиғламагани; тобутни кифтига кўтариб қабристонга боролмаганлиги ҳамда дунёнинг барча ишларидан этак силкиб, дўсти ва устози қабри устида сокин туролмаганлигидан афсуснадомат чекади[6]. Сафардан қайтган улуғ инсонпарвар адиб Ҳирот шаҳрининг шимолий худудида жойлашган, «Жўйи нав» суви ичидан оқиб ўтадиган хуш ҳаво, хуш табиат манзилда ҳазира тайёрлатиб, Саййид Ҳасан Ардашер хокини ўша ерга қўйдиради. Тириклигида дарвешга яқин ҳамсуҳбат бўлган бошқа азиз инсонларнинг хоки поклари ҳам «пароканда ерлардан» йиғиштирилиб Саййид Ҳасан Ардашер хобгоҳининг атрофига дафн қилинади. Ва эл тилида мазкур мазористон «Азизлар ҳазираси» номи билан машҳур бўлади.

**Хулоса.** Назаримизда, дўсту ёрларнинг мунаввар руҳини бу даражада ардоқлаш юраги меҳру шафқат маъданига айланган, ҳаёт ва унинг гули инсонни сидқидилдан севувчи Ҳақнинг Алишер Навоий янглиғ хос бандаларигагина дахлдор фазилатдир.

Алишер Навоий «Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер»да аниқ тарихий шахс мисолида комил инсон образини яратган. Улуғ мутафаккир мазкур маноқибда баркамол инсон ахлоқидаги сифат-фазилатларнинг фалсафий моҳиятини, ҳар бир хулқ кўринишининг хос хусусиятини ўта нозик асослаган.

#### **Адабиётлар рўйхати:**

1. Валихўжаев Б. Хожа Аҳрор тарихи. – Тошкент: Ёзувчи, 1994. – 94 б.
2. Комилов Н. Тасаввуф. Биринчи китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1996. – 272 б.
3. Комилов Н. Тасаввуф. Иккинчи китоб. Тавҳид асрори. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат ҳамда Ўзбекистон нашриётлари, 1999. – 204 б.
4. Навоий А. Мукамал асарлар тўплами. 20 жилдлик, 15-жилд. – Тошкент: Фан, 1999. – 236 б.
5. Салоҳий Д. Тасаввуф ва бадий ижод. – Тошкент: Наврўз, 2018. – 184 б.
6. Ҳайитов Ш. Жавонмардлик ҳақиқати. – Тошкент: Фан, 2005. – 174 б.

